

HISTORY OF UZBEKISTAN

O'ZBEKISTON TARIXI

4/2008







4
2008

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON TARIXI

O'ZDK

Илмий журнал

Мундарижа

- Ғ. Бобоёров, А. Кубатин.** Ғарбий Турк хо-
конлиги тангалари иконографиясига Визан-
тия таъсири масаласига доир 3
- Н. Мустафаева.** XX аср бошлари Туркис-
тонда тил масаласи 10
- М. Рахимов.** Марказий Осиёда Буюк ипак
йўли стратегияси аҳволи ва истикболлари ... 19

Этнология масалалари

- Б. Убайдуллаева.** Ўзбек оиласида фарзанд
тарбияси масалалари 26

Тарих ва тарихчилар

- У. Абдурасулов.** Профессор Розия Галиевна
Мукминова: ижодий портретига чизгилар ... 36

Ёш тарихчи минбари

- Ё. Тайронов.** XX аср бошларида Туркис-
тонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт
масалаларининг миллий матбуотда ёрити-
лиши 47

Фикр ҳақида фикр

- Э. Ртвеладзе.** Кичик рисолага катта эътироз-
лар. Улар асосланганми? 54
- Ю. Буряков.** Такризга нуктаи назар 61

Тарихчи кутубхонасига

- Д. Алимова, А. Аширов.** Маънавият кўз-
гуси (Х. С. Кароматов. Ўзбекистонда мозий
эътиқодлари тарихи. Тошкент, 2008. 664 бет) .. 69

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

- А. Отахўжаев, Г. Ғаниева.** Академик Яҳё
Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг
давлатчилиги тарихи» республика илмий
семинарининг «Уструшона Буюк ипак йўли
чорраҳасида» мавзусидаги 52-йиғилиши тўғ-
рисида 74

Jurnalga 1998-yil
iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt
marta chiqadi

Toshkent
O'zbekiston
Respublikasi Fanlar
akademiyasi
«Fan» nashriyoti

Содержание

- Г. Бабаяров, А. Кубатин.** К вопросу о Византийском влиянии на иконографию монет Западно-Тюркского каганата 3
- Н. Мустафаева.** Вопросы изучения языка в Туркестане в начале XX века 10
- М. Рахимов.** Состояние и перспективы развития современной стратегии Великого шелкового пути в Центральной Азии 19

Вопросы этнологии

- Б. Убайдуллаева.** Вопросы воспитания детей в узбекской семье 26

История и истории

- У. Абдурасулов.** Профессор Розия Галиевна Мукминова: штрихи к творческому портрету .. 36

Трибуна молодого исследователя

- Ё. Тайронов.** Освещение в национальной прессе вопросов социально-экономической и политической жизни Туркестана в начале XX века 47

Мнение о мнении

- Э. Ртвеладзе.** Большие претензии к маленькой брошюре. Обоснованы ли они? 54
- Ю. Буряков.** Точка зрения на рецензию 61

В библиотеку историка

- Д. Алимова, А. Аширов.** Зеркало духовности (Х. С. Кароматов. Ўзбекистонда мозий эътикодлари тарихи. Тошкент, 2008. 664 бет) .. 69

Научная жизнь: конференции, встречи, дискуссии

- А. Атаходжаев, Г. Ганиева.** 52 заседание Республиканского научного семинара «История узбекского народа и его государственности» им. академика Яхё Гулямова на тему «Уструшана на перекрёстке Великого шелкового пути» ... 74

Тахрир хайъати:

Дилором Алимова
(бош мухаррир)
Мируэрт Абусентова
(Козогистон)
Омонулла Бўриев
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Ўткир Исломов
Мирсодик Исмоков
Элёр Каримов
Зоя Орифхонова
Эдвард Ртвеладзе
Ильза Сиртаутас (АҚШ)
Рустам Сулаймонов
Маргарита Филинович
(бош мухаррир ўринбосари)
Темур Широнов
Нозим Ҳабибуллаев
Шоира Асадова (маъсул котиб)
М. Саидова
А. Михерёва
(мухаррирлар)
Т. Гез (мукова дизайнери)

Манзилимиз:

100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
Телефон: 262-38-73.

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
22.12.2006 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051.

Теришга берилди 18.03.2009.
Босишга рухсат этилди 22.04.2009.
Қоғоз бичими 70×100^{1/16}.
Таймс гарнитур.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Шартли босма т. 6,13.
Ҳисоб-нашриёт т. 4,5.
399 нусха. 52-буюртма.
Келишилган нархда

Г. Бабаяров, А. Кубатин

К ВОПРОСУ О ВИЗАНТИЙСКОМ ВЛИЯНИИ НА ИКОНОГРАФИЮ МОНЕТ ЗАПАДНО-ТЮРКСКОГО КАГАНАТА

Образование во второй половине VI в. Тюркского каганата привело к изменению политической ситуации в степях Евразии и прилегающих к ним оазисах. На большой территории от Монголии (Орхон) до Черного моря и Северного Кавказа хозяевами оказались тюрки. С этого времени Тюркский каганат стал непосредственным соседом таких крупных империй, как Византия, Сасанидский Иран и Китай. Это соседство привело к развитию не только политических и экономических отношений, но и культурных связей между Византией и Тюркским, а затем и его преемником Западно-Тюркским каганатом. Как известно, межгосударственные отношения оказывали влияние не только на внешнюю политику, но и на экономику и культуру взаимодействующих государств, в частности, и на монетный чекан. Яркий пример этому – тюрко-византийские отношения, которые оказали влияние на монетный чекан Западно-Тюркского каганата.

Вопрос о влиянии монет Византии на тюркские монеты Средней Азии рассматривался в научных публикациях таких исследователей, как М. Е. Массон, О. И. Смирнова, Э. В. Ртвеладзе, Л. С. Баратова, А. В. Кузнецов и др. Этими учеными были высказаны мнения о влиянии византийских монет на чекан монет с парным изображением в ряде областей Средней Азии, в частности, в Чаче, Согде и Чаганиане¹. Первым на это обратил внимание М. Е. Массон, указав, что монеты с парным изображением копировали византийские медные монеты Юстина II (565-578), на которых он был изображен рядом с царицей Софьей. По его мнению, именно ко двору Юстина II около 568 г. прибыло посольство от среднеазиатских тюрков (т. е. Западно-Тюркского каганата. – Г. Б и А. К.) во главе с согдийским купцом Маниахом². В свою очередь О. И. Смирнова отметила, что вполне вероятно, познакомившись с византийскими монетами, тюрки заимство-

¹ М а с с о н М. Е. К вопросу о взаимоотношениях Византии и Средней Азии по данным нумизматики // Труды САГУ. Вып. 23. Ташкент, 1951. С. 97, 99; Р т в е л а д з е Э. В. Монеты на Великом шелковом пути // Нумизматика Центральной Азии. Ташкент, 1998. Вып. III. С. 11; Б а р а т о в а Л. С. Византийско-согдийско-тюркский симбиоз на монетах Средней Азии // Second International Congress on Turkic Civilization, Bishkek, October 4-6. 2004. Bishkek, 2005. С. 418.

² М а с с о н М. Е. К вопросу о взаимоотношениях Византии и Средней Азии по данным нумизматики... С. 97, 99.

вали для себя их тип, прочно закрепившийся у них к концу VI в. и в свою очередь послуживший в дальнейшем исходным образцом для монетных типов регионов Средней Азии. Однако в то же время она, учитывая высокий художественный уровень их исполнения, не отрицает и возможность того, что не тюрки у византийцев, а византийцы у тюрков заимствуют новый для себя тип монет, отмечая при этом, что двойные изображения появляются на византийских монетах, начиная с этого времени, и только в дальнейшем византийский чекан к ним неоднократно возвращается³. Однако это мнение не нашло широкой поддержки. Напротив, в свою очередь мнение о византийском влиянии на монетный чекан тюрков нашло свое фактическое подтверждение в трудах Э. В. Ртвеладзе⁴.

Благодаря исследованиям и монетным находкам последних лет были определены несколько типов тюркских монет с византийским влиянием, которые были отнесены нами к чекану Западно-Тюркского каганата. Так, среди данных монет византийское влияние и традиции прослеживаются на следующих трех типах: 1) анэпиграфные, с прямым портретом⁵ (рисунк, No. 2-3), 2) с парным портретом – правителя и правительницы (см. рисунок, No. 5), 3) с изображением сидящих правителя и правительницы (см. рисунок, No. 7).

Среди них следует особо отметить бронзовые монеты с изображением правителя в фас, подражающие византийским золотым солидам. Не так давно на городище Канка (Ташкентский оазис) был найден новый нумизматический материал, подтверждающий непосредственное византийское влияние на монетный чекан Западно-Тюркского каганата (см. рисунок, No. 3). На аверсе данных монет имеется изображение правителя в фас, иконографически схожее с изображением на византийских солидах, слева от него – изображение креста⁶, справа – остатки гречес-

³ Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. М., 1981. С. 56.

⁴ Ртвеладзе Э. В., Ташходжаев Ш. С. Об одной тюрко-согдийской монете с христианскими символами // ВВ 35. 1973. С. 232-234; Ртвеладзе Э. В. Византийские монеты и индикации из Средней Азии // Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Ташкент, 2002. Т. 1. С. 269-277.

⁵ В этот тип можно включить еще два типа монет Западно-Тюркского каганата, имеющих на аверсе изображение правителя в фас: на одном из них справа и слева изображен крест (опубликована Э. В. Ртвеладзе и Ш. С. Ташходжаевым в 1973 г.), а на другом – схожее с анэпиграфным типом монеты изображение, но на обороте имеется стилизованная легенда (монета найдена недавно и еще не опубликована). На реверсе этих монет имеются тамга Западно-Тюркского каганата и еще до конца не прочитанные согдийские легенды.

⁶ Появление креста на монетах Западно-Тюркского каганата и других монетах Чача, скорее всего, также связано с влиянием Византии.


кой легенды, что явно свидетельствует о его византийском прототипе. Прототипом данного типа монет, по мнению некоторых исследователей, являются монеты византийского императора Юстина I (527-565)⁷, но это требует своего подтверждения.

Византийские монеты

Монеты Западно-Тюркского каганата



1




2



3




4



5



6



7

Монеты Византии и Западно-Тюркского каганата

⁷ Кузнецов А. В. Три новых анэпиграфных типа монет // Материалы научной конференции «Чач-Бинкет-Ташкент (историческое прошлое и современность)». Ташкент, 2007. С. 53.

На реверсе данного типа монет изображена тамга, имеющаяся на монетах верховных правителей Западно-Тюркского каганата, что позволяет нам относить их к чекану этого государства. По нашему мнению, частично сохранившаяся греческая легенда на монете из городища Канка читается как ... (P)AN или ... (T)AN, которая, на наш взгляд, является фрагментами от легенды, повторяющей легенду монет императора Византии Юстина II (565-578), имеющей следующий вид: DN IVISTINI ET CONSTAN или DN IVISTINI ET (TIBE)PPAN (см. рисунок, No. 4, 6)⁸.

При этом следует отметить, что на монетах Западно-Тюркского каганата византийские традиции не скопированы прямо с аналогов, а были переработаны на тюркской основе. Это хорошо прослеживается в иконографии монет. Исключение составляет вышеупомянутый тип монет с прямым портретом, где прослеживается очень близкое сходство с монетами Византии: схожие головной убор, равноконечный крест и этнический облик правителя (см. рисунок, No. 2-3). По нашему мнению, монеты этого типа являются одними из самых первых монет Западно-Тюркского каганата.

На других же типах, как например, монеты с парным портретом, хотя и сохраняется характерный для Византии сюжет, но для изображений правителя и правительницы присущи монголоидные черты (округлое лицо, узкий разрез глаз) и особенности, характерные для древних тюрков (длинные волосы и отсутствие головного убора у правителя, трехрогий головной убор у правительницы). Одной из важных особенностей является также то, что место креста, имеющегося на монетах Византии с парным портретом, на монетах Западно-Тюркского каганата с тем же сюжетом занял полумесяц со звездой, которые занимали важное место в воззрениях древних тюрков и других народов Центральной Азии.

Особо своим сюжетом выделяются монеты с изображением сидящих правителя и правительницы. Во-первых, они изображены сидящими со скрещенными ногами на ковре(?), а не на троне, как на монетах Византии. Однако, возможно, что на тюркских монетах также изображен своеобразный трон, но имеющий большие отличия от трона, изображенного на монетах Византии. На монетах этого типа правитель изображен смотрящим вправо без головного убора, с длинными до плеч волосами, а правительница – в трехрогом головном уборе, как и на предыдущем типе. По мнению многих исследователей, такой

⁸ <http://www.zeno.ru> – Byzantine. No. 29655, 29963.

головной убор присущ богине Умай – одной из главных богинь древнетюркского пантеона⁹. Особенно важно то, что на разных вариантах монет этого типа женский сюжет изображен в виде беременной женщины (с выраженной грудью и животом) или с ребенком на руках¹⁰. Как известно, в религиозных воззрениях древних тюрков главной функцией Умай было покровительство беременным и детям. Возможно, на этих монетах изображены правитель, т. е. каган, уподобляемый Тенгри, и правительница – хатун, уподобляемая Умай. Вместе с тем, уподобление хатун богине Умай зафиксировано также и в древнетюркских рунических памятниках¹¹. При этом не следует забывать о традиции древнетюркской государственности – большой роли *хатун* и ее фракции в управлении государством¹². Обращает на себя внимание то, что на всех монетах с парными изображениями (погрудное, сидящее, всадника и сидящей перед ним правительницы) прослеживаются присущие не только древним тюркам, но и другим центральноазиатским народам традиции.

Следует особо отметить, что в работах исследователей, отмечающих влияние византийских традиций на монеты Средней Азии, в частности, на тюркские монеты Чачского оазиса, не было высказано конкретных мнений по поводу их принадлежности к каким-либо тюркским династиям или государству. Причиной этого по большей мере являлось то, что согдийские легенды на монетах Чачского оазиса с византийским влиянием не были точно прочитаны и интерпретированы. В последнее время согдийские легенды на этих чачских монетах были прочтены нами как: *срүw x'γ'n рпу* – «Деньга джабгу-кагана», *βуу twп срүw x'γ'n* – или «Божественный Тун джабгу-каган», *twп žpүw x'γ'n* – «Тун жабгу-каган», *рпу žpүw krnw? crδnk* – «Деньга могущественного? жабгу Чирданака» и др., что позволило связать их чекан конкретно с одним государством – Западно-Тюркским каганатом (568-657), так как в легендах значительной части данных монет нашли отражение имя и титул Западно-тюркского правителя Тун ябгу-кагана (618-630), а также верховные титулы

⁹ Баратова Л. С. Византийско-согдийско-тюркский симбиоз на монетах Средней Азии... С. 419.

¹⁰ Шагалов В. Д., Кузнецов А. В. Каталог монет Чача III – VIII вв. Ташкент, 2006. С. 75; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI – VIII вв. Ташкент, 2007. С. 15, 30.

¹¹ Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.; Л., 1951. С. 31.

¹² Баратова Л. С. Византийско-согдийско-тюркский симбиоз на монетах Средней Азии... С. 419.

западных тюрков как «джабгу-каган», «жабгу»¹³. Легенды же на вышеупомянутых двух типах монет с византийским влиянием читаются как *pny žpɣw krnw? crðnk* – «Деньга могущественного? жабгу Чирданака»¹⁴ и *pny žpɣw kr? crðnk* – «Деньга *kr?* жабгу Чирданака». Следует отметить, что, по мнению некоторых исследователей, после образования каганата в Западном крыле, не подчинявшегося Восточному (центральному) каганату, первым его правителем, взявшим титул *ябгу/джабгу*, был Истеми. Если отождествить встречающиеся в византийских источниках имена Σιλζιβουλός – Силзибул, Διζάβουλός – Дизавул, Ζιέβηλ – Зиевил с именем Истеми и принять к сведению мнения некоторых исследователей, согласно которым они являются формами, отражающими титул *ябгу/джабгу* в греческих источниках, то такой факт, что на первых этапах Истеми имел только титул *ябгу/джабгу*, еще раз находит свое подтверждение¹⁵. Это позволяет подтвердить логичность вопроса связи чекана монет с титулом *ябгу/джабгу* с Истеми.

Следует обратить внимание на то, что тамга на монетах Западно-Тюркского каганата, на которых византийское влияние прослеживается больше всего, имеет простую (первоначальную?) форму (𐰽𐰺, 𐰽𐰺, 𐰽𐰺 = 𐰽𐰺 > 𐰽𐰺). Возможно, это свидетельствует о том, что данные монеты являлись первыми монетами, относящимися к чекану Западно-Тюркского каганата. Согдийские легенды на монетах, которые считаются нами первыми монетами Западно-Тюркского каганата, выполнены полукурсивом. По нашему мнению, это также является одним из свидетельств того, что они в хронологическом отношении более ранние, чем монеты, имеющие в легендах титулы «джабгу-каган», «Тун джабгу-ка-

¹³ Б а б а я р Г., К у б а т и н А. К вопросу монетного чекана Западно-Тюркского каганата (на основе нумизматических материалов Ташкентского оазиса) // Тюркология. Туркестан (Казахстан). 2005. № 6. С. 97-105; Б а б а я р о в Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI – VIII вв. С. 26-29.

¹⁴ В палеографическом отношении согдийские легенды на одном из вариантов монет этого типа представляют большой интерес (см. No. 5). В частности, особо привлекает внимание написание буквы *гимел* (-γ) в слове *žpɣw*, которая написана, не соединяясь с соседними буквами и под наклоном, и больше напоминает *ламед* (-δ). Легенды на других вариантах имеют стандартное написание форм букв. Особого внимания заслуживает слово *crðnk* – «Чирданака», имеющееся в легендах двух типов монет (с парным изображением и изображением сидящих правителя и правительницы). Интерпретация и этимология, а также вопрос, является ли данное слово эпитетом или личным именем, ждут своего решения.

¹⁵ C h a v a n n e s E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. Спб., 1903. Р. 226-228; M o r a v c s i k G. Byzantino-turcica. II, Berlin, 1958. P. 130.

ган», «Тун жабгу-каган», «Божественный Туун/Тон каган» и др., которые, как известно, выполнены более курсивным письмом, чем вышеупомянутые¹⁶.

Таким образом, можно утверждать, что тюрки, в чекане своих монет позаимствовав византийские традиции, со временем все более перерабатывали их на своей этнической основе. Первоначально они, позаимствовав непосредственно из византийских монет аверс и лишь поставив на реверсе свою тамгу (см. рисунок, No. 2-3), уже в последующем используют для монет только заимствованный сюжет, для которого характерными становятся изображения с присущими для тюрков обликом и традициями (см. рисунок, No. 5-7).

Здесь уместен вопрос, почему Западно-Тюркский каганат для своих первых монет не заимствовал традицию чекана монет своих близких соседей, таких как Китай, Сасанидский Иран и вассальные оазисные государства Восточного Туркестана и Средней Азии, а в качестве образца именно была взята Византия? Скорее всего, это объясняется большой ролью и ценностью золотых монет Византии в международной торговле, а также политической ситуацией той эпохи.

Итак, как же можно объяснить влияние византийских традиций на монеты Западно-Тюркского каганата? То, что на монетах Западно-Тюркского каганата имеются византийские традиции, характерные в основном для монет Юстина II (565-578), имеет под собой историческую почву. Именно во время его правления между Тюркским каганатом и Византией был заключен союз против Сасанидского Ирана. В этот период в западной части Каганата правил Истеми, начиная с этого времени до 630-х годов между ними были налажены дипломатические и экономические связи. Кроме того, нельзя не учесть и такой факт, что в 570-х годах определенное время Византия выплачивала дань Каганату. Торговые связи и выплачиваемая дань привели к тому, что на территорию Тюркского каганата проникло определенное количество византийских монет, в том числе и золотые солиды¹⁷. Благодаря этому Западно-Тюркский каганат познакомился с византийской денежной системой и ее традиции оказали определенное влияние на их монетный чекан.

¹⁶ Babayar G. New Data on the history of Chach during an epoch of Turkish Qaghana-te // Shygys. Almaty, 2006. № 1. P. 39; Ртвеладзе Э. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н. э.). Ташкент, 2006. С. 9; Шагалов В. Д., Кузнецов А. В. Каталог монет Чача III – VIII вв. С. 191.

¹⁷ Ying L. Western Turks and Byzantine gold coins found in China // Transoxiana. 6 (Junio 2003), online at http://www.transoxiana.com.ar/0106/lin-ying_turks_solidus.html.

Ғ. Бобоёров, А. Кубатин

Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари иконографиясига Византия таъсири масаласига доир

Мақолада Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан VI – VIII асрларда Чоч воҳасида зарб қилинган тангалар ва уларга Византия танга зарби анъаналарининг таъсири ҳақида сўз боради. Муаллифлар Ғарбий Турк хоқонлигида танга зарбининг шаклланиш босқичлари, хоқонлик ва Византия империяси ўзаро алоқалари тарихини янги топишган нумизматик материаллар асосида ёритишга ҳаракат қилишган.

G. Babayarov, A. Kubatin

On the influence of Byzantine traditions to the iconography of the coins of Western Turkic qaghanate

This article devoted to the coinage VI – VIII centuries A. D in Chach region by Western Turkic qaghanate and influence on them of Byzantine monetary traditions. Authors of the article tried to throw light on the basis of new discovered numismatic materials on the stages of coinage formation of Western Turkic qaghanate and the history of relations with Byzantine Empire.

Н. Мустафаева

XX АСР БОШЛАРИ ТУРКИСТОНДА ТИЛ МАСАЛАСИ

XX аср бошларида Россия мустамлака идораси тартибларида турли услублардан фойдаланар экан, жамият ҳаёти билан боғлиқ соҳаларда баъзан ўта қаттиққўллик, баъзи жиҳатларда эҳтиёткорлик муносабатларини қўлласа-да, лекин ҳар қандай вазиятда ҳам энг асосийси, кучли назорат остида олиб борилган бошқарувни кузатиш мумкин. Бу даврда чор Россияси мустамлакаси бўлган Туркистон ўлкасида бошқарув ва иш юритиш фақат рус тилида олиб борилган, маҳаллий тилнинг қўлланилиши эса аксарият ҳолларда идора муассасаларининг қуйи ташкилотларида учрар эди. Натижада юқори ташкилотларда муаммоси ҳал қилиниши

керак бўлган маҳаллий аҳоли анчагина қийинчиликларга дуч келар, таржимонлар хизматини эса самарали деб бўлмасди. Маҳаллий волост бошқарувчилари рус тилини, чор армияси зобитларидан тайинланган уезд бошликлари эса маҳаллий халқнинг тилини билмаганликлари оқибатида кўпгина тушунмовчиликлар авж олган эди. Ушбу ҳолатлар инобатга олиниб, 1905-1906 йилларда мустамлака ҳукумати ўлкада ҳарбий ҳамда халқ бошқармаларида хизмат қилувчи идора ходимларининг туб аҳоли тилини ўрганиши бўйича махсус чора-тадбирлар ишлаб чиққан ва бу ўша давр тарихшунослигида ҳам ўз аксини топганлигини қайд этиш лозим. Шу ўринда 1905 йил 28 ноябрдан 1906 йил 15 августга қадар Туркистон генерал-губернатори лавозимини эгаллаган Д. И. Суботичнинг¹ мазкур масала устидаги фикр-мулоҳазалари кизиқарлидир. «Бизнинг Туркистонни эгаллаганимизга 40 йил, Каспийорти ўлкасини эгаллаганимизга 25 йил бўлса-да, лекин шу вақтгача давлат идораларидаги ходимлардан ерли халқларнинг тилини билувчи кишиларни бармоқ билан санаб кўрсатиш мумкин. Адлия хизматида эса улар янада камроқ. Бу аҳвол жуда ачинарлидир. Идора қилинаётган ва суд қилинувчиларнинг миллий тилларини билмай туриб халқни қандай бошқариш мумкин? Бу ҳақда кўп гапирмай чора кўриш керак!»² – деб бошланган эди Д. И. Суботичнинг Россия Ҳарбий вазири генерал-лейтенант А. Ф. Редигерга 1905 йил 28 декабрда ёзган расмий хатида. У бошқарилаётган ўлкадаги идора ходимларининг маҳаллий тилни ўрганиши бўйича тақдирлашдан кўра, жазо чораси қўллаш самарали деб билади. Чунки биринчи чора пул маблағини талаб этса, иккинчиси харажатсиз усул бўла олади. Д. Суботичнинг фикрича, Туркистон ўлкасининг барча бошқарув маъмурияти уезд бошлиғига бир йил ичида ўзи идора қилаётган ҳудуд аҳолиси тилини таржимонларни назорат қила олиш даражасида ўрганишлари, иккинчи йили эса ўз билимларини такомиллаштиришлари лозим. Агарда улар бу талабларни бажармасалар хизмат соҳасида ўсишларини тўхтатиш, фойдасиз хизматчи сифатида ишдан четлатиш масаласини ҳам қўяди. Тилни яхши ўзлаштирган ходимларга эса мукофот тариқасида юқори лавозимларга кўтарилиш

¹ Генерал-лейтенант Деан Иванович Суботич Тошкентни 1906 йил 17 сентябрда тантанали равишда эмас, балки ўлкада кутилаётган ишчиларнинг манифестацияси арафасида, кечкурун бир неча отлик казаклар ҳимоясида биринчи поезд билан тарк этган эди // *Д о б р о м ы с л о в* А. И. Ташкент в прошлом и настоящем (Исторический очерк). Ташкент, 1912. – 94 с.

² Выписка из приложения к письму ТГТ генерал-лейтенанта Д. И. Суботича к Военному министру генерал-лейтенанту А. Ф. Редигеру от 28 декабря 1905 года. № 19 // *Сборник материалов по вопросу об изучении туземных языков служащими по военному-народному управлению Туркестанского края*. Ташкент, 1906. С. 1.

таклиф этилган. Ушбу усуллар Англия ва бошқа Европа мустамлакачилари тажрибасида мавжуд бўлиб, Д. И. Суботич бу йўлни босиб олинган ҳудудларга нисбатан ҳам қўллаш тарафдори эди. Унинг мулоҳазаларига кўра, «албатта, туб аҳоли ўртасида рус тилини ёйиш чора-тадбирлари муҳим, бироқ, бу катта вазифа авлодлар иши, масаланинг бошқа тарафдан қўйилиши эса тезроқ натижалар бериши мумкин»³.

Берилган таклифлар самараси ўлароқ, 1906 йил 7 февралда 46-рақам остида Туркистон ўлкаси бўйича генерал-губернатор Д. И. Суботичнинг буйруғи эълон қилинади. У қуйидаги мазмунда эди: «Менга ишонилган ўлканинг юқори лавозимидаги маъмурлари ерли аҳоли билан доимий алоқада бўлсаларда, маҳаллий тилни билмайдилар. Ушбу ҳолатни юқори даражадаги нуқсонлигини инобатга олиб, Сирдарё вилояти губернатори ёрдамчиси П. И. Хомутов раислигида, муҳим вазифалар бўйича маслаҳатчим П. О. Папенгут, подполковник А. А. Ломакин ва Тошкент уезд бошлиғи С. Н. Кастальскийлар аъзолигида махсус комиссия таъсис этиб, унинг зиммасига давлат хизматчиларини маҳаллий тилни ўрганиш бўйича чоралар ишлаб чиқишни юклайман».⁴ Айтиш лозим комиссия таркибида ўз даврининг етакчи Туркистон шарқшунослар жамиятининг аъзолари фаол иштирок этган эдилар. Мазкур буйруқ Туркистон ўлка маъмурлари ўртасида турли тортишувлар, фикр-мулоҳазаларнинг қизғин бўлишига, уларнинг матбуот саҳифаларида акс этишига сабаб бўлди. Бу ҳолатни эътиборга олган Д. И. Суботич 1906 йил 12 майда буйруқ чиқариб, унда тил ўрганиш масаласига доир матбуотда эълон қилинган мақолалар, фикр алмашувлар, муҳокамаларни жамлаб, тўплам нашр этиш, уларни хронологик тартибда бериш белгилаб олинди ва бу вазифа туркистоншунос подполковник И. Д. Ягеллога юклатилди.⁵ «Туркистон ўлкасида ҳарбий ва халқ бошқармаларида хизмат қилувчи идора ходимларининг маҳаллий тилларни ўрганиш масаласи бўйича материаллар тўплами» деб номланган бу китоб Туркистон генерал-губернаторлиги канцеляриясида нашр этилиб, унинг мундарижаси қуйидаги тартибда тузилган эди: а) расмий ҳужжатлар; б) 1906 йил 7 февраль № 46 буйруқдан кейин матбуотда чоп этилган мақолалар; в) 1906 йил 7 февраль № 46 буйруғига қадар нашр этилган мақолалар; г) қўшимча расмий бўлим; д) юқоридаги чоп этилган буйруқ ва мақолалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар бўйича маълумот.

³ Ўша жойда. 2-бет.

⁴ Приказ по Туркестанскому краю от 7 февраля 1906 г. № 46 // Сборник материалов по вопросу... С. 2.

⁵ Приказ по Туркестанскому краю от 12 мая 1906 г. № 148 // Сборник материалов по вопросу... С. 3.

Айтиш жоиз, маҳаллий аҳолининг тилларини ўрганиш масаласи XIX аср иккинчи ярмидаёқ кўтарилган, лекин у давлат сиёсати даражасига кўтарилган эмасди. Фақат 1881 йил 2 ноябрда Россиянинг Осиё давлатлари билан алоқалари инобатга олиниб, императорга Россия Ташки ишлар вазирлигининг Осиё департаменти шарқ тилларини ўрганиш бўлими томонидан ишлаб чиқилган шарқшунос зобитларни тайёрлаш лойиҳаси тақдим этилади. Александр III лойиҳани қўллаб-қувватлайди ва у 1885 йил 11 февралда тасдиқланади⁶. 1888 йилда Санкт-Петербург университети қошида махсус сарт, қирғиз, кавказ тилларини ўргатувчи курслар ташкил этилиб, у ерда шарқшунос зобитлар етишиб чиккан⁷. Мутахассислар асосан Кавказ ёки Туркистон округларига 4-5 йил ишлаб бериш шарти билан юборилган. Бирок, 1906 йилгача салкам йигирма йил давомида битирувчиларнинг фақат 28 фоиизигина ўз мутахассислик фаолиятини олиб борган эди⁸.

Туркистон ўлкасида бу масалага эътибор асосан 1886 йиллардан бошланган, тил ўрганиш курсларига асосан ҳарбий зобитлар жалб этилган. Аммо, биринчи даврда фақат Тошкент шаҳрида элликдан ортиқ тингловчи йикқан курслар сўнггига келиб бор-йўғи 2 ёки 3 битирувчи чиқарар эди⁹. Албатта, рус аҳолиси орасида ҳеч қандай буйруксиз маҳаллий тилларни ўрганишга интилиш бўлганлигини ва у шахсий қизиқишлар ҳамда манфаатлар замирида бўлганлигини давр матбуоти қайд этиб ўтган эди. Масалан, «рус савдогари маҳаллий тилни сарт даллолидан алданиб қолмаслик учун ўрганади. Терговчи, ҳарбий ва амалдор тилни ўзлаштириш орқали таржимонларга кетадиган маблағни тежаш учун ҳаракат қиладилар»¹⁰. 1895 йил ноябрида Тошкент реал ўқув юрти педагогик кенгашида маҳаллий тилни ўрганиш масаласи кўтарилиб, ўзбек тили ўқитувчиси лавозимини киритиш лозимлиги қайд этилган ва бу масала бошқа кўплаб ўқув муассасаларида ҳам муҳокама қилинган. Масалан, 1896 йил Тошкентдаги Алексеевск номли коммерция билим юрти педагогик кенгашида ўқитувчи Н. П. Сергеев, унга бир неча бор маҳаллий тилни ўрганиш истагини билдираётган талабалар мурожаат қилаётганликларини маълум қилган эди¹¹.

⁶ Кострубский. Нечто о восточниках // Сборник материалов по вопросу... С. 55-57.

⁷ Ўша жойда. 59-бет.

⁸ Ўша жойда. 60-бет.

⁹ Журнал заседаний комиссии // Сборник материалов по вопросу... С. 15-16.

¹⁰ Ўша жойда 15-бет.

¹¹ Зарипова Р. А. Из истории изучения иностранных языков в Туркестанском крае. Ташкент, 1969. С. 18.

Мустамлака маъмурияти туб аҳолининг диний ва маиший ҳаёти билан боғлиқ назарий ҳамда амалий танишувга эришиш, мусулмон диний идоралари фаолиятини тўлиқ ўрганиш мақсадида ислом динига оид кўпгина манбаларни рус тилига таржима қилиш ишларини амалга оширтирди¹². Бу ишлар маҳаллий тилни чуқур билган Н. И. Гродеков, М. А. Терентьев, В. П. Наливкин, Н. Ликошин, А. Кунн ва бошқа рус шарқшунос олимлари томонидан бажарилган. Аммо, бу қимматли адабиётлар маъмуриятдаги мансабдорларни у даражада қизиқтирган ҳам эмас.

Юқорида қайд этиб ўтилган мунозараларда фаол иштирок этган Н. Ликошин, «тилни ўрганиш учун фақат буйруқнинг ўзи камлик қилади, бу билимни кадрлаш ҳам керак»¹³, – деб ёзади. А. А. Ломакин эса келгусида ўлка маъмуриятида ишлашга фақат ерли аҳоли тилини биладиган зобитларни жалб қилиш таклифини ўртага ташлайди ва «зиёли киши учун доимий алоқада бўлган халқнинг сўзлашув тилини ўрганиш – мураккаб масала эмас ва приставдан тортиб уезд бошлиқларигача бир йил давомида тилни ўрганишлари шарт»¹⁴, – деб ҳисоблайди. Кўп йиллар Тошкент уездидан пристав бўлиб ишлаган подполковник С. Н. Кастальский эса амалдорлар учун қисқа муддатда тил ўрганиш бўйича қўйилаётган талаблар мақсадга мувофиқ эмаслиги ва ўз тажрибасидан келиб чиқиб, «идорадаги қоғозбозликларни камайтиргандан кейингина, уларга бу вазифани юклаш ўринли бўлиши» ни таъкидлаган¹⁵. Н. П. Остроумов, муаммонинг ечимиде «амалдорга бир-икки йил ичида фақат сўзлашув тилини ўргатишлари зарур» лиги ва «бу муддатда улар маҳаллий тил билимдонлари бўла олмасликлари» ни қайд этади. Унинг фикрича, «мусулмонларнинг одатлари, маиший ҳаёти, шариат қонунлари билан яқиндан таниш бўлган маъмурият вакиллари йўқ ва бўлмайди ҳам. Бунинг учун улар болаликдан маҳаллий аҳоли билан аралаш яшашлари керак эди»¹⁶.

¹² Г р о д е к о в Н. И. Хидоя – комментарии мусульманского права Бурханэддина Али. Ташкент, 1893; Л ы к о ш и н Н. С. Автобиография Тамерлана. Ташкент, 1894; Н а р ш а х и. История Бухары (X в.) / Перевод Лыкошина Н. С. Под ред. Бартольда В. В. Ташкент, 1897; л е Ш а т е л е н. Ислам в XIX веке / Перевод Калмыкова А. В. Ташкент, 1898; шунингдек қаранг: Список-руководство по изучению местных языков и мусульманского права, составленный Н. И. Остроумовым, И. Д. Ягелло, А. А. Ломакиным // Сборник материалов по вопросу... С. 30-35.

¹³ Л ы к о ш и н Н. С. Знание туземных языков // Сборник материалов по вопросу... С. 78.

¹⁴ Доклад члена комиссии А. А. Ломакина // Сборник материалов по вопросу... С. 44-46.

¹⁵ Особое мнение подполковника С. Н. Кастальского // Сборник материалов по вопросу... С. 43.

¹⁶ Письмо Н. П. Остроумова на имя председателя комиссии // Сборник материалов по вопросу... С. 48.

Мавжуд рус-тузем мактаблари етказиб берган таржимонлар хизматини эса муҳокамада иштирок этганларнинг барчаси каттиқ танқид остига олган эдилар. Табиийки, мунозаралардаги фикр-мулоҳазаларда маҳаллий миллат манфаати эмас, аксинча, мустамлакачилик манфаати устувор бўлганлигини таъкидлаш даркор.

Комиссия Туркистон ўлкаси бўйича маҳаллий тилни ўргатувчи курслар ташкиллаштириш лойиҳасини ишлаб чиқади. Унга кўра бир йиллик курслар мажбурий, икки йилликлари хоҳловчилар учун белгилаб қўйилди. Бир йиллик курс рус транскрипцияси асосида араб-форс ёзуви билан танишиш ва амалий ўзлаштириш, икки йиллик курсда ҳужжатларни ўқиш ва таржима қилиш, келгусида такомиллаштириб боришга қаратилган эди¹⁷. Битирувчиларга махсус гувоҳнома тақдим этилиб, ўқиш курсларига бориш имконияти бўлмаган зобит ва амалдорлар учун ҳужжат олиш мақсадида имтиҳон топшириш мажбурияти юклатилган. Курсларни керакли дарслик ва луғатлар билан таъминлаш масаласи ҳам муҳим ўринга чиқади. Масалан, 1906 йилда Туркистон ўқитувчилар тайёрловчи семинариянинг сарт ва форс тили ўқитувчиси Н. А. Беляев томонидан тузилган «Сарт тилини ўрганиш бўйича йўриқнома»¹⁸ нашр этилиб, у ўзининг соддалиги, ўрганувчилар учун тез тушунарли эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шунингдек, бу даврда Басалов ва Тоирбек Киясбековларнинг «Сарт таржимони», И. С. Будзинскийнинг «Рус-сарт сўзлашуви» китоблари чоп этилди¹⁹. Д. Суботичнинг ўз вазифасидан кетиши билан маҳаллий халқ тилини ўрганиш бўйича ишлар давлат даражасидаги мақомидан тўхтатилади. Лекин шунга қарамай, 1907 йилда Тошкент ва Қўқон шаҳарларидаги коммерция билим юртларида маҳаллий тилни ўргатувчи мажбурий дарслар, гимназия ва кадет корпусларида қўшимча машгулотлар киритилган эди²⁰.

Ўз навбатида Туркистонда миллий зиёлиларнинг рус тилини ўрганишга бўлган саъй-ҳаракатларини қайд этиш лозим. Зеро, улар мустамлака шароитида миллат манфаатини ҳимоя қилиш, иқтисодий тараққиётга эри-

¹⁷ Проект правил организации курсов местных языков в Туркестанском крае, составленный Ягелло // Сборник материалов по вопросу... С. 22-25.

¹⁸ Руководство к изучению сартовского языка (общий курс, состоящий из 15 выпусков). Ташкент, 1906. Т. 1.

¹⁹ Басалов, Киясбеков Т. Сартовский переводчик. Ташкент, 1908; Будзинский И. С. Русско-сартовский разговорник. Ташкент, 1910.

²⁰ Чабров Н. Г. Русская прогрессивная интеллигенция дореволюционного Туркестана и влияние передовой русской культуры на коренное население Средней Азии // Прогрессивные последствия присоединения Средней Азии к России. Ташкент, 1970. Ч. II. С. 15.

шиш учун албатта, рус тилини ўрганиш орқалигина амалга оширилишини жуда тўғри англаганлар. Биргина тошкентлик савдогарлар Саидазимбой Муҳаммадбоев, унинг ўғиллари Саидкарим ва Саидгани, куёви Орифхўжаларнинг рус тилини мукамал билишлари, уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини янада тараққий этишида муҳим аҳамият касб этган.

Бу даврда тараққийпарвар зиёлилар маҳаллий халқ фарзандларини жамият ҳаётида ўз ўринларини эгаллаши, ўз Ватани ва миллат тақдири учун жон куйдирувчи мутахассислар бўлиб етиштишларида тилни ўрганиш сув ва ҳаводек зарурлигини матбуот саҳифаларида қайта-қайта таъкидлаганлар. Туркистон жадидчилиги отаси ҳисобланган Маҳмудхўжа Бехбудий «русча ўқимоқ лозим. Замонча илми диний ва замоний керак»²¹, деб ҳисоблар экан, ўзининг амалий ишларида ҳам бу вазифани бажарган. У чет тилларини билиш таълим олиш, фан ва маданият ривожига ва тараққиётга элтувчи куч эканлигини ўзининг «Икки эмас, тўрт тил лозим» номли мақоласида ҳам муҳим масала сифатида кўтарди²². Бехбудий нашр қилдирган «Ойна» журнали, «Самарқанд» газетасининг сўнгги саҳифаларида доимий равишда рус тилидаги реклама ва баъзи бир маълумотларга ўрин ажратар эди. Ўндан ортиқ тилни билган Исҳоқхон Иброт 1901 йилда русча сўзларни арабча ёзув тизимида солиб, «Луғат ситта ас-сина» номли китоб чоп этди. Албатта, унда олти тил (араб, форс, турк, сарт, ҳинд, рус – *Н. М.*) жамланган бўлса-да, рус алифбосини билмайдиган миллатдошлари учун амалий ёрдам беришнинг бир усули бўлди. Рисола халқни жаҳон илм-фан ва маданияти ютуқларига яқинлаштириш, хорижий тилни ўрганишга бўлган маҳаллий халқ эҳтиёжини қондириш учун яратилган эди²³.

Рус тилини ўрганиш борасида турли-туман таклифлар ҳам ўртага ташланган. Масалан, «...ёшлардин бири даллоллик ва ё таржимонлик ва ё молфурушлик хизматиға ойинда юз сўм олур экансиз, бошқа бир ғайри рус, тўғрусу, илми замон ўқиган ким бўлсин ҳатто, ажнабий ва бу кунги душмани ҳаммамиздин бўлса-да онга анча юз сўмлаб вазифа олур... Бунини ҳикмати надур?! Албатта, ҳикмати отаси ўз боласининг замониға мувофиқ тарбия этганидир»²⁴, – деб ўз фикрларини талқин қилган муал-

²¹ М. Бехбудий. Ўқувчиларга ёрдам керак // Ойна (1914-1915). Тошкент, 2001. 17-18-бетлар.

²² Алимова Д. А., Рашидова Д. А. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. Тошкент, 1999. 33-бет.

²³ Бу ҳақда тўлиқ қаранг: Воҳидова К. А. Исҳоқхон Жунайдуллох Хўжа ўғли Иброт ва унинг тарихий илмий мероси. Тарих фан. ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2002. 44-бет.

²⁴ Таҳсил ва сафар замони ва таом // Ойна (1914-1915). Тошкент, 2001. 56-61-бетлар.

лиф, зарур бўлса, фарзандларни тил ўрганишлари учун 8-10 ойлаб рус оилаларига топшириш таклифини ўртага ташлайди. У ерда болаларнинг ғайридинлар таомини истеъмоли масаласига оид фикрларини Қуръон ва Ҳадислар орқали изохлаб беради. Кўпгина ҳолларда мадрасалар қошида рус синфлари очиш ёки у ердаги ўқув дастурларига рус тили дарсларини киритиш тўғрисидаги мурожаатлар ҳам кузатилган²⁵. Уларнинг сарф-харажатлари вақф даромадлари томонидан қопланиши қайд этилган. Аммо, бу таклифлар таклифлигича қолаверди, зотан, чор ҳукумати учун бу хатти-ҳаракатлар бирор бир наф келтирмас эди.

Шу ўринда Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг мазкур ишдаги амалий ҳаракатларини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. У 1911 йил 10 февралда Сирдарё вилояти биринчи туман халқ ўқув юртлари инспекторига йўллаган илтимосномасида ўзининг жадид мактабида рус тилини ўқитишига рухсат сўрайди. Бирок, бу илтимосга рад жавобини олди. Тараққий-парварнинг қайта-қайта қилган саъй-ҳаракатлари натижасида 1914 йили, орадан уч йил ўтгач, унинг мактабда рус тилини ўқитишига расмий рухсат берилади²⁶. 1916 йилга келиб, Туркистондаги кўпгина жадид мактаблари Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг тузган дастурлари асосида иш олиб борди.

Шу билан бир қаторда рус тилини ўрганиш маҳаллий тил қодаларига зарар етказмаслиги хусусида ҳам мушоҳадалар билдирилган. Садриддин Айний «Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар» мақоласида тилга ҳурмат, унга европача сўзларни, уларнинг туркий тилдаги маънодоши бўлса ҳам, қўшиб ишлатиш унга путур етказиши мумкинлигига урғу берди. «Икки туркистонлик турк бир-бирови ила сўзлашганда ҳавасаки рус луғатларини ўртага келтируб сукмоқлиғи айни ҳамоқат бўлса керак. Бошқа хушёр ва тарбиятлик миллатлар бул ишни ор ва катта айб санайдурлар. Туркистонимизда қайси бир рус, ё қайси бир армани ўз тилини қўйиб, бир-бирови ила туркча сўзлайдур. Аммо, бизнинг сўйлаганимиз вақтида ҳеч бўлмаса ҳар бир жумлада бир калима рус сўзи эшитилур. Агар тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай анга ажнабий луғат ва сўзларни қўшаберсак бир оз замонда тил ва миллатимизни йўқотурмиз. Миллиятимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзила албатта йўқолар»²⁷, –

²⁵ Письмо в редакцию из Кувы (Маргиланский уезд) // Русский Туркестан. 1900. № 8; Кары Ниязов Т. Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана. М., 1955. С. 67.

²⁶ Бу ҳақда тўлиқ қаранг: Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи С. Аҳмедов. Тошкент, 2003. 19-22-бетлар.

²⁷ Садриддин Айний. Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар // Ойна (1914-1915). Тошкент, 2001. 11-12-бетлар.

деб ёзади А. Авлоний. Шунингдек, унинг «ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиргон ойнаи ҳаёти тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак, миллатни руҳини йўқотмакдур»²⁸, – деган фикрлари ҳам ҳозирда ўз аҳамиятига эга. Ашурали Зоҳирий она тилини миллатнинг муҳим белгиси сифатида талқин қилиб, «...арабчани ҳам, форсчани ҳам, ўрисчани ҳам билиш зарур. Билганнинг фойдаси катта. Лекин она тилини биринчи навбатда билиш керак. Она тилини билмаган туркистонлик вақти келиб миллатини тили йўқлар қаторидан қидирмасун»²⁹, – деб огоҳлантиради. Умуман, миллий зиёлилар бошқа тилларни ўрганиш билан бир қаторда миллат тилини ривожлантириш, унинг софлигини сақлаш, она тили билан фахрланиш ғояларини илгари сурганлар. Чунки бу миллий тарбия учун эътиборга молик омил ҳисобланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, чор Россияси мустамлакаси бўлган Туркистон ўлкасининг ижтимоий-маданий ҳаётида тил ўрганиш масаласи муҳим аҳамият касб этган эди. Айтиш жоиз, тил ўрганиш жараёнлари ўз даврида икки томоннинг ҳам етакчи мутахассислари ва зиёлиларини кўпроқ ташвишга соларди. Зеро, мустамлакачилар учун маҳаллий тилни ўрганиш бошқарув сиёсатининг кучли назоратига хизмат қилса, ерли аҳоли учун эса рус тилини ўрганиш тараққиётга йўл очиш, дунёқарашнинг кенгайиши, бошқа халқлар билан мулоқотга кириш имкониятини берар эди. Глобаллашув даври бўлган бугунги ХХІ асрда эса хорижий тилларни ўрганиш маданий ҳаётнинг муҳим бўлаги саналар экан, мақсад Ватан тараққиётига хизмат қилиш, уни асраш, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилиши лозим.

Н. Мустафаева

Вопросы изучения языка в Туркестане в начале XX века

В статье рассматриваются вопросы изучения языка, которые имели важное значение в культурной жизни Туркестана. Показано, что, если изучение местных языков для аппарата колониального управления служило инструментом более действенного управления, то для местного населения изучение русского языка давало сравнительно широкие возможности приобщения к достижениям общемировой цивилизации.

²⁸ А. Авлоний. Ўсон миллат. Истиклол фидойилари серияси. Тошкент, 1993. 7-бет.

²⁹ А. Зоҳирий. Она тили // Садои Фарғона. 1914 йил 13 апрель. № 3.

N. Mustafayeva

Language Questions in Turkestan in the beginning of the 20th century

In article are considered by N. Mustafaeva questions of studying of language which had great value in a cultural life of Turkestan. The author underlines that if studying of local languages for administrative personnel served as means of the strong control for local population. Studying Russian by native population gave the chance familiarizing with world progress.

М. Рахимов

СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ СТРАТЕГИИ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Центральная Азия представляет собой регион, не только значимый с экономической точки зрения, но и богатый историческим наследием и культурным разнообразием. На протяжении многих столетий регион был центром торгово-экономического и культурного обмена между Азией и Европой, основным связующим звеном на древних трассах Великого шелкового пути.

Современные независимые государства Центральной Азии стали активными участниками различных проектов возрождения Великого шелкового пути, стимулирующих экономическое и политическое сотрудничество молодых государств Центральной Азии между собой и с развитыми государствами Европы и Азиатско-Тихоокеанского региона.

Один из наиболее приоритетных вопросов для государств Центральной Азии, в том числе и Узбекистана, – это развитие транспортных коридоров к морским портам, международным рынкам, строительство новых альтернативных нефте- и газопроводов. Как известно, ведущие страны региона – Узбекистан, Казахстан и Туркменистан обладают большим запасом углеводородов, и диверсификация поставок энергоресурсов на мировой рынок является очень важной.

В последние десятилетия с актуализацией ряда международных и региональных процессов, включая проблемы безопасности и Большого Ближнего Востока («Great Middle East»), резко усилилось геостратегическое значение Центральной Азии в международных отношениях.

Однако на усложнение геополитических процессов в Центральной Азии влияет также современный комплекс международных отношений, который характеризуется неопределенностью и неустойчивостью. Уход в прошлое биполярной системы вызывает потребность в пересмотре деятельности всех международных институтов, созданных в прошлом веке. Международные отношения конца XX – начала XXI в. характеризуются ускорением процессов экономической и политической регионализации в разных частях мира¹.

Интеграция стран Центральной Азии в мировую экономику, поиск ими собственного места на международной арене, включение в региональную и мировую политику происходит в условиях глобализации мировой экономики и политики. Глобализация оказывает все большее воздействие на социально-экономическую, военно-политическую и другие сферы жизни человечества, в том числе на характер международной жизни. Связывая в единые сети все новые страны, регионы и целые континенты, глобальная экономика оказывает влияние на характер, интенсивность, продолжительность двусторонних и многосторонних отношений. Однако мировой финансовый кризис 2008 г. оказывает существенное негативное влияние на мировую экономическую систему, что свидетельствует о необходимости определенной регуляции рыночной экономики.

Тенденциям широкого международного и регионального сотрудничества вполне соответствует проект возрождения Великого шелкового пути, предусматривающий создание новых возможностей для развития торговых отношений между Азией и Европой, объединение усилий множества стран, находящихся на разном уровне экономического развития и различающихся своим политическим укладом.

В настоящее время Великий шелковый путь стал мировым брэндом, название которого использовано во многих национальных и международных документах и программах. В частности, мы можем отметить «Акт

¹ For more details see, Ernest B. Haas, *The Obsolescence of Regional Integration Theory*. Institute of International Studies, University of California, Berkeley, 1975. P. 123; Sheila R a g e . *Regionalism among Developed Countries*. Macmillan press ltd, UK, 2000. P. 322; Ali M. El-A g r a a . *Regional Integration. Experiences, Theory and Measurement*. Macmillan Press LTD. Hounmils, Basingstoke, Hampshire RG216XS, 1999. P. 442; Stephen C. C a l l e y a . *Regionalism in the Post-Cold War World*. Ashgate Published Ltd. England. 2000. P. 253; Ed. Louise Fawcett and Andrew Hurrell. *Regionalism in World Politics. Regional organization and international order*. Oxford University Press. 1995. P. 342; Ed. William D. Coleman and Geoffrey R. D. Underhill. *Regionalism and Global Economic Integration. Europe, Asia and the Americas*. Routledge published. London. 1988 UK. P. 253 and many others.

стратегии Шелкового пути» Конгресса США от марта 1999 г. по развитию регионального сотрудничества в Центральной Азии и на Южном Кавказе², различные экономические и энергетические проекты Китая по возрождению «Great Silk Road», проект НАТО Virtual Silk Highway, направленные на возрождение Великого шелкового пути, Японскую внешнеполитическую стратегию «Шелковый путь» и мн. др.

В конце 90-х годов прошлого столетия в целях ускорения развития коммуникационной стратегии Великого шелкового пути была разработана «Концепция формирования регионального пространства доверия». Однако в настоящее время появляется необходимость новой концепции в рамках международных (ООН) и региональных (ШОС) организаций, которую мы условно назвали бы «Концепция широкого партнерства на Великом шелковом пути». Она может быть логическим продолжением концепции формирования регионального пространства доверия и более широким диапазоном сотрудничества стран на Великом шелковом пути, включая сотрудничество в коммуникационной, экономической, политической, образовательной и культурной сферах.

Как отмечалось, для государств Центральной Азии развитие транспортных коммуникаций имеет исключительно важное значение с экономической, географической и стратегической точек зрения. Следует особо отметить геостратегическое значение Центральной Азии, вызванное наличием значительных сырьевых запасов энергоресурсов, стратегическими интересами ведущих держав и, конечно, проблемой стабилизации положения в Афганистане³. Данные факторы способствуют усилению внимания к этой проблеме и активизации крупных государств – России, США, Китая, Индии, а также крупнейших международных и региональных организаций⁴.

² Silk Road Strategy Act of 1999, 106th Congress, 1st Session, p. 1-5. <http://www.eurasianet.org/resouse/regional/silkroad.html>.

³ R a k h i m o v M. Security issues and regional cooperation in Central Eurasia // Democratization and human rights. Tashkent Uzbekistan. 2006. Number 4. P. 64-65.

⁴ See, for example, Akiner, Sh. (ed). The Caspian: politics, energy and security. Central Asian forum series. SOAS, University of London. Routledge Curzon publisher. 2004. P. 405; A m i n e h M. P., H o u w e l i n g H. Central Eurasia In Global Politics: Conflict, Security, And Development (International Studies in Sociology and Social Anthropology, V. 92). Koninklijke Brill NV, Leiden, The Netherlands; Laumulin M. T., 2005 Sentralnaya Aziya v zarubejnoj politologii i mirovoy geopolitike. Volume 1. Almaty: Institute of Strategic Studies; A l l i s o n R., J o n s o n L. (eds.), 2001 «Central Asian security: internal and external dynamics» Central Asia security: the new international context. Royal Institute of International affairs, London, UK; Starr, Frederic «Making Eurasia Stable», Foreign Affairs, Vol. 75. No. 1(96).

В настоящее время Центральная Азия обладает большим транспортно-транзитным потенциалом. Протяженность современных автомобильных дорог превышает 320 тыс. км, железных дорог – 20 тыс. км, нефтегазовых магистралей – 40 тыс. км. В странах Центральноазиатского региона более 100 аэропортов, 20 из них считаются международными. Однако регион не имеет прямого доступа к крупнейшим морским и океанским портам мира.

Страны Центральной Азии участвуют в ряде транспортных проектов. В частности, железнодорожная линия Теджен-Серахс-Мешхед (Иран, Туркменистан, Узбекистан) протяженностью 295 км, строительство которой было начато в 1993 г. и завершено в 1996 г. Большая часть объема работы была выполнена Узбекистаном, что привело к стыковке с иранской веткой, выходу к морским терминалам Персидского залива. Другой проект – железнодорожное сообщение Ташкент-Алматы-Талдыкурган-Дружба-Алашанькоу-Урумчи и далее к китайским портам (Ляньюньган-Циндао-Шанхай). С завершением строительства железнодорожной линии Теджен-Серахс-Мешхед в мае 1996 г. эта линия получила статус евразийской и рассматривается в качестве дополнения к Транссибирской, связывая Китай с Европой через центральноазиатские республики и субрегион ЭКО⁵. Ещё один проект – Андижан-Ош-Арпа-Торугарт-Кашгар (Узбекистан-Кыргызстан-Китай). Этот транспортный коридор являет собой исторически сложившийся маршрут по автомобильной дороге протяженностью в 315 км, из которых лишь 40 км (дорога А-373) проходит по территории Узбекистана, остальная часть пути является частью дороги «М-41», принадлежащей Кыргызстану⁶.

В 2003 г. в Тегеране президенты Узбекистана, Ирана и Афганистана подписали «Соглашение о международных транспортных направлениях по созданию трансафганского коридора». Этот проект дает возможность выходить по маршруту Ташкент-Термез-Мазари Шариф-Герат к иранским портам Бендер Аббас и Чахбахар. При стабилизации военного-политического положения в Афганистане автомобильные перевозки в Пакистан могут осуществляться по маршрутам: Термез-Кабул-Карачи (2.600 км); Термез-Герат-Кандагар-Карачи (2.380 км); Ош-Кашгар-Равалпиди-Лахор-Карачи (1.700 км).

Государства Центральной Азии последовательно интегрируют в мировую экономику. Постепенно возрастает объем взаимной торговли с государствами других регионов. Возрастание объема торговли между

⁵ Артыков Ж. Внешняя политика Республики Узбекистан и проблемы транспортной коммуникации: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. Ташкент, 2005. С. 15.

⁶ Там же.

странами Южной и Юго-Восточной Азии и Европой (в среднем 10% в год) перспективно и в плане увеличения транзитных перевозок в Центральной Азии. Груз морским транспортом из Юго-Восточной Азии в Европу доставляется в среднем за 30-35 дней. Однако доставка грузов из Юго-Восточной Азии в Европу сухопутным путем по железной дороге или автопоездом – от одного пункта до другого занимает 10-12 дней. Еще одно преимущество автотранспорта – перевозимый груз поступает «от двери к двери»⁷. Ряд специалистов из Европы утверждают, что вскоре определенную часть грузоперевозок в направлении «Восток-Запад» возьмет на себя железнодорожный транспорт. Именно поэтому возрастает интерес к вопросу транзитной перевозки грузов через Центральную Азию. В странах региона проводится большая работа по модернизации транспортной системы. В частности, Узбекистан является участником более 30 международных конвенций, соглашений и договоров по вопросам транспортных коммуникаций, принимает участие в ряде международных программ по интеграции транспортных коммуникаций. За 2000-2007 гг. данная важнейшая отрасль экономики получила иностранных инвестиций в объеме 550 млн. долл. США. Эти действия значимы еще и потому, что служат развитию как внутренней транспортной системы, так и международных транспортных путей, проходящих в Центральной Азии.

В настоящее время по территории Узбекистана проходят 20 международных транспортных маршрутов. Претворяется в жизнь утвержденная в республике Национальная концепция развития автомобильных дорог на 2007-2010 годы. Согласно концепции, предусмотрено строительство и реконструкция 679 км автодорог, в том числе 489 км участков, входящих в состав международных транспортных маршрутов, и 190 км дорог государственного значения. По расчетам специалистов, общий объем инвестиций составит не менее \$402,6 млн. Общая протяженность автомобильных дорог Узбекистана составляет на сегодняшний день 146,4 тыс. км. Из них 42,5 тыс. км – магистральные дороги общего пользования, в том числе 3,2 тыс. км – автотрассы международного и 18,8 тыс. км – государственного значения. Реализация концепции позволит увеличить протяженность автодорог высшей категории на 557 км, общую длину мостов и путепроводов – на 2743 км. В качестве примера новых транспортных соединений можно привести такие проекты, как строительство железнодорожной линии Навои-Учкудук-Султон-Увайс-тог-Нукус, соединившей северные регионы с центральными районами

⁷ Aftab Kazi. Transit-route politics and Central Asia's Indus Basin Corridor. 4 July 2001 // <http://www.cacianalist.org>.

страны, завершившееся строительством новой железнодорожной линии «Тошгузар-Байсун-Кумкурган» протяженностью 223 км.

Таким образом, можно отметить, что все центральноазиатские республики – Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан, Туркменистан и Узбекистан, а также Китай, Иран, Пакистан, кавказские республики – Грузия и Азербайджан вовлечены в процесс налаживания и гармонизации транспортных артерий и коммуникаций, связывающих Европу и Азию, Запад и Восток, и обеспечивающих выход внутриконтинентальным государствам, каким является Узбекистан, к Мировому океану.

Несмотря на достигнутые результаты, страны Центральной Азии еще не в полной мере задействовали имеющийся потенциал в этой области. Необходимо шире привлекать инвестиции в целях реконструкции и модернизации автомобильных и железных дорог, гармонизировать национальные законодательства стран региона в области транспорта и таможни. Вместе с тем, необходимо обратить внимание на вопросы безопасности. Взаимодействие в этом направлении, наряду с обеспечением безопасности перевозки грузов, также предусматривает борьбу с наркоторговлей и транснациональной преступностью.

Учитывая крайне сложное геополитическое и геоэкономическое положение Центральной Азии, страны должны выступать за диверсификацию путей и направлений разработки богатейших энергоресурсов региона. Перспективные планы новых транспортных проектов будут зависеть от того, насколько оптимально будут соотнесены глобальные, региональные, межрегиональные и национальные интересы при реализации проектов.

Таким образом, настало время для восстановления активного регионального и международного сотрудничества в широком евразийском пространстве с учетом опыта мировых экономических проблем. Безопасность XXI в. и процесс глобализации международных отношений требуют широкого партнерства и сотрудничества.

М. Рахимов

Марказий Осиёда Буюк ипак йўли стратегияси аҳволи ва истиқболлари

Макола қадимда машҳур бўлган Буюк ипак йўлининг тикланиши борасида ҳозирги транспорт коммуникация алоқалари ривожланиши масалаларига бағишланган. Марказий Осиё мамлакатларининг турли мам-

лакатлар билан темир ва автомобиль йўллари алоқалари ривожланиши ва муаммолари кўрсатиб берилган. Шунингдек, Марказий Осиёнинг дунёдаги турли минтақалар билан транспорт коммуникация ривожланиши истиқболлари ва таклифлар баён этилган.

M. Rakhimov

Challenges and prospects of contemporary Silk Road strategy in Central Asia

The paper make attempt to analize development of alternative regional transport communications as important of the national regional strategy and in results it was attempted to revival Great Silk Road and developed new transport communication to the East and South. It is analizing challenges and proposing some practical suggestions on future development of Silk Road transport strategy as important factor of regional and international cooperation.

Этнология масалалари

Б. Убайдуллаева

ЎЗБЕК ОИЛАСИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Тарихдан маълумки, никоҳ ва оила муносабатлари бугунги кунга етиб келгунга қадар жуда кўп боскичлардан ўтиб келди ва айни пайтда ҳам бу муносабатлар жамиятдаги иқтисодий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий муносабатларга боғлиқ тарзда яна ўзгаришда давом этмоқда.

Хукукшуносларнинг таърифича, «Ўзининг мазмунига қараб оила, одатда, уч ўзаро алоқадаги ижтимоий гуруҳ, унинг асоси сифатида никоҳ, никоҳнинг натижаси сифатида эр-хотин муносабатлари, эр-хотин муносабатларининг натижаси сифатида, фарзандлардан таркиб топган»¹.

Ўзбек оиласида оилавий муносабатлар тушунчаси жуда кўп қиррали ва кенг қамровлидир. Лекин оиланинг болага бўлган муносабати, шубҳасиз, оилавий муносабатлар тизимининг таянч нуқтасидир.

Тарихий тараққиёт тахлили шуни кўрсатадики, оиладаги муносабатлар ўзидан-ўзи, зиддиятларсиз шаклланмаган, балки замон эҳтиёжига мос ҳолда ўзгариб, эволюцион ривожланишлар жараёнида бугунги ҳолатига келган. Ҳозирги кунда ҳам оилавий муносабатлар тизимида эр-хотин, ота-бола, она-бола ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатлар анчайин тафовутлидир.

Кейинги қарийб бир асрлик тарихимизни ўрганиш, ўзбек оиласида фарзандга бўлган муносабат ва тарбия масаласи тубдан ўзгариб бораётганлигини кўрсатади.

Фарзандга муносабат масаласи теран мазмунга эга бўлиб, ўз ичига оилада болалар сонига бўлган муносабат, болалар билан бўладиган алоқалар даражаси, болалар тарбиясидаги фарқли хусусиятларни, ота-оналик масъулиятини, болаларга қўйиладиган талаб даражаси, болаларни жинсига қараб фарқлашга оид қарашлар, оиладаги бошқа аъзоларнинг бола тарбиясидаги иштироки, фарзанд билан муносабатларнинг рухий-эмоционал жиҳатлари кабиларни қамраб олади.

Оила пайдо бўлгандан то ҳозирги кунга қадар, у бажариб келган вазифаларни чуқур илмий таҳлил этилса, уларни асосан уч йўналишда ифодалаш мумкин: фарзандлар туғилиши ва уларни тарбиялаш, моддий

¹ О т а х ў ж а е в Ф. Никоҳ ва унинг ҳукукий тартибга солиниши. Тошкент: Ўзбекистон, 1995, 85-бет.

эхтиёжларни қондириш. Оила бу вазифаларни алоҳида бажармайди, балки улар ўзаро боғлиқликда намоён бўлади. Масалан, оилада фарзандларни дунёга келтириш ота-она саломатлигига, туғилган болаларнинг саломат ўсиши оиланинг иқтисодий аҳволига ниҳоятда боғлиқ. Фарзандларнинг баркамол ўсиши оилада таълим-тарбияга бўлган муносабатга, бола дунёқарашининг шакллантирилишига, яъни оиланинг ижтимоий вазифаларини бажариши билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бинобарин, оиланинг ўз вазифаларини қандай бажариш даражаси оилада фарзандга бўлган муносабат билан белгиланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўзбекларда фарзандга бўлган муносабат турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий омиллар таъсирида ўзгариб келмоқда. Биз бундай ўзгаришларга таъсир қилган омиллар хусусиятлари ва ўзгаришлар даражаси ҳамда характери-га қараб, даврий жиҳатдан учга бўлдик;

– 1924 йилдан 1970 йилларга қадар;

– 1970 йиллардан мустақиллик даврига қадар;

– мустақиллик даври.

Фарзандга бўлган муносабат масаласида оилада бола сонига бўлган муносабат ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки бу муносабатнинг режалаштирилмаслиги нафақат демографик, балки иқтисодий-сиёсий ва бошқа умумжамият доирасидаги муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Маълумки, барча Ўрта Осиё халқлари сингари ўзбеклар ҳам бола-жонлиги ва серфарзандлиги билан ажралиб турган. Биз ўрганаётган биринчи даврда ўзбек оиласида бола сони деярли чекланмаган. Аксарият оилалар, «худо берганича» фарзанд кўришни маъқул кўришган.

Кўпчилик ўзбек оилаларида 8-9 нафар, айрим оилаларда ўн нафардан ортиқ фарзанд кўрган оилалар ҳам бўлган².

Иқтисодчи олима М. Бўриева республикада энг юқори туғилиш 1962-1968 йилларга тўғри келганини айтиб ўтади. Бу даврда ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони 38-40 тани ташкил этган. Кўрсатилган даврда туғилишнинг юқори бўлганлиги оила аъзоларининг ўртача сонини ошиши билан ҳам кузатилади. Масалан, 1939 йили Ўзбекистонда ҳар бир оилада ўртача 3-4 нафар киши яшаган бўлса, 1959 йили бу кўрсаткич 4-6 нафарга, 1970 йили эса 3-5 нафарга етди³.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, маълумотлар фақат ўзбекларга нисбатан эмас, балки барча аҳолига нисбатан олинган. Бундан

² Этнографик маълумотлар. Денов, Ангор туманлари. 2007 йил.

³ Бўриева М. Р. Ўзбекистонда оила демографияси. Тошкент: Университет. 1997. 114-бет.

ташқари ўзбек оиласида кўп бола туғишга мойиллик ва интилиш бўлса-да лекин болалар ўлимининг кўплиги ва бошқа омиллар (масалан, уруш, аёллар соғлигининг ёмонлиги, маиший турмуш даражасининг пастлиги ва ҳоказо) таъсирида туғилишнинг умумий даражаси нисбатан паст бўлган.

Оилада иложи борида кўпроқ фарзанд кўришга интилиш нафақат ўзбеклар учун, балки бутун Ўрта Осиё халқлари учун ҳам хос хусусият эди.

Мазкур масалани ўрганган М. Сангиновнинг фикрича, Ўрта Осиё республикалари оилаларининг серфарзандлигига қуйидаги объектив ижтимоий-иқтисодий ва маънавий сабаблар таъсир кўрсатган:

1) Оилаларнинг моддий даромади ва тураржой, маиший шароитлари кескин яхшиланганлиги;

2) Турмуш маданиятининг тез ўсаётганлиги, соғлиқни сақлашнинг ривожланиши, болалар ўлимининг кескин камайганлиги;

3) Кўп фарзандликнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши⁴.

Бир томондан, бу фикрлар тўғри, лекин, мантиқан олиб қаралганда айнан шу шароитлар собиқ Иттифокдаги бошқа миллатларда ҳам бор эди.

Лекин, туғилиш даражаси уларда анча кам бўлган. Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1959-1969 йил туғилиш коэффициенти Белоруссияда 3,8; Молдовада 1,9; Болтиқбўйи мамлакатларида 8,2 ни ташкил этган ҳолда Ўрта Осиёда бу кўрсаткич 16,9 га етган. Бу кўрсаткичлар ўзгариб борган ва 1970-1978 йилларда 3,1; 1,9; 1,5 га нисбатан 27 ни, 1979-1988 йилларда эса тегишли равишда 2,6; 1,8; 1,3 га нисбатан 33,6 ни ташкил этган⁵. Ёки Ўзбекистонда 70-йилларда ҳар минг кишига туғилган болалар сони 33,6% ни, 1980 йилда 33,8% ни, 1986 йилда 38,8% ни ташкил этган бўлса, собиқ Иттифокда бу кўрсаткич ўртача 17,4%; 18,3% ва 20% ни ташкил этган⁶.

Демак, юқоридагиларнинг ўзи серфарзандликнинг кўпайишига асосий омил бўла олмайди. Ўрта Осиё халқлари шу жумладан, ўзбекларда серфарзандликка ундовчи энг муҳим омил анъанавий ижтимоий турмуш тарзи ва шунга боғлиқ тарздаги миллий психологик хусусиятдир. Ўзбеклар энг аввало, фарзандга ҳаётнинг мазмуни, деб қарайдилар ва бундай қараш бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Масалан,

⁴ Сангинов М. Оила ва коммунистик тарбия. Тошкент: Ўқитувчи, 1988. 28-бет.

⁵ Захарова О. Д. Демографическая ситуация в СССР в 80-е годы // Социологические исследования. 1991. № 4. С. 45.

⁶ Комилова Ф. К. Демографический потенциал Узбекистана. Ташкент: Ўзбекистон, 1991. С. 57.

1995 йили 16-24 ёшлардаги 372 нафар йигит-қизлардан «Хаётингиздаги асосий мақсадингиз нима?» – деб сўралганда, сўров иштирокчиларининг 66,4 фоизи биринчи навбатда оила қуриб, фарзандларни тарбиялаш, – деб жавоб берган⁷. Республика «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган тадқиқотларда ҳам ўзбекларда никоҳ қуришдан мақсад «оила қуриш ва фарзандларни тарбиялаш (66%)» ҳамда «наслини давом эттириш (53,4%)» эканлиги аниқланди⁸.

Жамоачилик муносабатлари кенг илдиз отгани учун кўп қариндош-уруғлари бор кишиларнинг жамоада нуфузи юқори бўлган, шу жумладан, серфарзанд кишиларнинг ҳам. Тўй, маърака маросимлари, маиший турмушдаги бошқа қийинчиликларда ҳам кўпчилик бўлиш қўл келган. Аксинча, қариндош-уруғлари ва фарзандлари кам бўлган кишилар руҳан ўзларини якка ҳис қилганлар. Қишлоқ аҳолисининг кўплиги, қишлоқ турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари ана шундай жамоачилик муносабатларининг сақланиб келишига сабаб бўлган. Шу билан бирга қишлоқда ер-жойларнинг мўллиги, ёрдамчи хўжалик юритиш имконияти болаларнинг кўпайишига шароит яратган.

1989 йилги маълумотларга қараганда, республикада 2 103 мингдан ортиқ ўзбек оиласи бўлса, шундан 70,1 фоизи қишлоқ жойларда ва 29,9 фоизи эса шаҳарларда истиқомат қилган⁹. 1970-1979 йиллар оралиғида бутун Ўрта Осиё республикаларида қишлоқ аҳолиси 18-36% га кўпайган бўлса, Россияда аксинча, камайган. Шаҳарларда ҳам ўзбекларнинг кўпи ховлили алоҳида уйларда яшашга ҳаракат қилиб келган.

1890-1940 йилларда туғилган кекса авлод вакиллари оилада иложи борица кўпроқ бола бўлишини маъқул ҳисоблашган. Уларнинг фарзанд кўриш даври эса 1920-1970 йилларга тўғри келади. Бир томондан, кўп фарзанд кўришга интилиш, иккинчи томондан, болалар ўлимининг камайиши натижасида ўтган асрнинг 70-йилларга қадар, етти нафар ва ундан кўп фарзандли оилалар салмоғи ортиб борган.

Аёлнинг жамиятдаги ўрни ҳам оиладаги фарзандлар сонига катта таъсир қилади. Ўзбек аёли асосан она ва уй бекаси тимсоли бўлиб келган. Гарчи, шўро тузуми аёлларни ижтимоий меҳнатга жалб қилишга қаттиқ ҳаракат қилса ҳам, лекин, 1970 йилларга қадар, аксарият, ўзбек оилаларида аёллар ўз анъанавий вазифаларида қолдилар. Биз тадқиқ этган серфарзанд оилаларнинг деярли барчаси уй бекаларидир.

⁷ Бўриева М. Р. Ўша асар. 32-бет.

⁸ Убайдуллаева Р. А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. Тошкент: Фан, 2006. 218-бет.

⁹ Бўриева М. Ўша асар. 33-бет.

Иккинчи босқичда эса яъни ўтган асрнинг 70-йилларидан то бозор иқтисодига қадар бўлган даврда, кўп фарзандли оилалар ўз тажрибаларида муайян қийинчиликларни кўрдилар ва уларда фарзандлар сонига бўлган муносабат ўзгара бошлади. Кўп ўзбек оилалари оилани режалаштириш лозимлигини тушуна бошладилар. Шунинг учун ҳам 1940-1970 йилларда туғилганларнинг аксарияти оилада 4-6 нафар болани мақбул, деб ҳисоблаган¹⁰.

Аёлларнинг иш билан бандлиги ҳам оилада фарзанд туғилишига таъсир кўрсатади. 1930 йилдан 1980 йилга қадар бўлган муддат давомида ишчи ва хизматчиларнинг таркибида аёлларнинг салмоғи 18% дан 43% га етди¹¹.

1991 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши, аҳолининг турмуш тарзига, оилаларнинг иқтисодий имкониятларига маълум даражада ўз таъсирини кўрсата бошлади.

Давлат томонидан ижтимоий муҳофаза чора-тадбирлари кўрилишига қарамай, кўп болали оилалар иқтисодий жиҳатдан қийналганлиги учун, озиқ-овқат ва уй-жой муаммосига дуч келадилар. Айнан шу нарса ўзбек оилаларида бола сонининг кескин қамайишига асосий туртки бўлади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиб бориши ижтимоий ишлаб чиқаришда банд аёллар салмоғининг яна ҳам ошиб боришига сабаб бўлди. Агар 1990 йилда жами ишчи-хизматчиларнинг 44 фоизини аёллар ташкил этган бўлса, 1992 йили бу кўрсаткич 47 фоизга етди¹².

Кейинги йилларда савдо-сотик асосан аёлларнинг вазифасига айланиб бормоқда. Лекин аниқ ва доимий, қонуний иш жойига эга бўлмай, бозорда фаолият кўрсатувчи аёлларнинг аниқ миқдорини келтириш жуда мушкул. Уларнинг фақат маълум қисмигина тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ҳолос. Демак, ўзбек аёли ўз анъанавий вазифасидан бир оз чекиниб ёки вазифасига қўшимча тарзда зиммасига яна бир вазифани юкладики, бу нарса ўзбек оиласида фарзандга бўлган муносабат масаласига катта таъсир қилади.

Социологларнинг фикрича, оилада болалар сони энг аввало, эрхотиннинг репродуктив ўзгаришларига боғлиқ. Кўпгина оилалар

¹⁰ Этнографик маълумотлар. 2007 йил.

¹¹ Женщины в Республике Узбекистан. Ташкент: Госкомпрогнозстат, 1993. С. 12.

¹² Ўша жойда.

* Кишилар онгида оилада фарзанд туғилишига доир тушунчаларнинг нисбатан қатъийлашган шакли.

бундай установка­ларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Масалан, аёл­ларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги, оиланинг биринчи навбатда моддий аҳволини яхшилаш, маълумот даражасини ошириш, маданий эҳтиёжларни қондиришга интилиши, вақтнинг танқислиги, уй-жой шароитининг ёмонлиги, бола боқиш ва тарбиялаш билан боғлиқ қийинчиликлар, оилавий вазифаларнинг нотенг тақсимланганлиги, эр­хотиннинг ёши ва соғлиги каби омиллар ҳам бола туғишни чегаралаб қўяди¹³. Бинобарин, Ўзбекистонда ҳам айнан шу ва бошқа омиллар ои­лада бола сонининг камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Энг асосий омиллар сифатида фарзанд тарбиясига доир масъулиятнинг ошиб бо­раётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Илгари ўзбек оиласида болалар асосан халқ педагогикаси тажрибалари орқали тарбияланган, шунинг­дек, тарбия муҳити – оила ва унга узвий боғлиқ бўлган маҳалладан иборат эди. Лекин, энди тарбиявий муҳит доираси анча кенгайди ва бу муҳит ичида зиддият­ли қарашлар ҳам мавжудки, шунинг учун анъа­навий тарбиянинг ўзи кутилган натижани бермаяпти. Сабаби бирин­чидан, халқ анъаналарининг ўзи анча унутилган, иккинчидан, ҳозир оммавий ахборот воситаларининг таъсири кучлики, бу нарса ота-она­ларнинг ҳам илғор педагогик ва психологик маълумотга эга бўлишини тақозо этади.

Учинчи сабаб, бир неча авлоддан иборат катта оилаларнинг кама­йиб, эр-хотин ва фарзандлардан иборат нуклеар оилаларнинг кўпайиб боришидир. Катта оилаларда тажрибали бобо, буви­лар ва оиланинг бошқа аъзолари бола парвариши ҳамда тарбиясида ёш ота-онага ёрдам беришган. Шу тариқа битта фарзандни парваришлаш ва тарбиялаш, ке­рак пайтида назорат қилиш бир неча кишиларнинг зиммасида бўлгани сабабли анча енгиллик бўлган. Тажрибали ота-оналарнинг фикрларича, «бола кўпчили­книнг ичида тарбияланса, инжиқлик қилмайди»¹⁴.

Кичик оилаларда эса аксинча, ёш ота-оналар тажрибасиз, «ёлғиз қўл» бўлганлари учун фарзанд парвариши ва тарбиясида қийналишади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда кўп ота-оналар фарзанд тарбия­лашнинг мураккаблашиб бораётганлигидан нолишмоқда. «Ижтимо­ий фикр» маркази томонидан сўров ўтказилганда, сўровда қатнашган шаҳарлик аёлларнинг 66,7 фоизи, қишлоқда яшовчи аёлларнинг 58 фои­зи бола тарбияси билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келишларини кўр­сатиб ўтган¹⁵.

¹³ С а в и н о в Л. И. Семья и общество: история, современность и взгляд в будущее. Саранск: Мордовский университет, 1992. С. 71.

¹⁴ Этнографик маълумотлар. Термиз, Учкун маҳалласи. 2007 йил.

¹⁵ У б а й д у л л а е в а Р. А. Ўша асар. 30-бет.

Биз томондан олиб борилган суҳбатлар жараёнида ҳам кўплаб ота-оналар бола тарбиясининг борган сари мураккаблашиб бораётганлигини таъкидлашмоқда¹⁶.

Ўзбек оилаларида болалар сонининг камайиб боришига яна шаҳар турмуш тарзининг кенг ёйилиши, болаларни ўқитиш, уйли-жойли қилиш каби муаммолар ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки ўзбек оиласида анъанага кўра, фарзандни уйлантириш ва турмушга бериш ҳамда у билан боғлиқ маросимларни ўтказиш, ўғилларни уйли-жойли қилиш, ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Олиб борилган этнологик тадқиқотлар қарийб 80 фоиз ўзбек оиласида бу анъана давом этишини кўрсатди.

Маълумки, ислом дини оила бошлиғи сифатида отани тайинлар экан, айти пайтда унинг зиммасига катта масъулият ҳам юклаган. Бутун оила аъзоларини иқтисодий таъминлаш, оила шаъни ва номусини ҳимоялаш, хотини ва болалари тарбиясини назорат қилиш отанинг зиммасида бўлган.

Ўтган асрнинг 70-йилларигача деярли тўла сақланган бу анъана секин-асталик билан ўзгара бошлади. Сабаби, собиқ шўро тузуми даврида аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли, деб тарғиб қилиниб, эркаклар билан баробар ижтимоий меҳнатга жалб қилина бошланган. Лекин, бу тарғибот ишлари ўз натижасини бирданига кўрсатгани йўқ. Чунки асрлар мобайнида шаклланган ижтимоий онг хусусиятларини бирдан ўзгартириш жуда қийин, иккинчидан, юқорида айтиб ўтилганидек, ўзбекларнинг кишлокларда ва шаҳар маҳаллаларида бирикиб истиқомат қилиши анъаналарнинг яшовчанлигини таъминлаган.

Ўзбек оилаларида отанинг оила боқувчиси ва бошлиғи сифатидаги макомининг кескинлик билан ўзгариб бориши ва бу айрим ҳолларда онанинг фойдасига ҳал бўлиши бозор иқтисодиёти жараёнлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки оилаларнинг ҳам моддий ҳам маънавий эҳтиёжлари ортиб бораётган бир шароитда фақат бир кишининг даромади ҳисобига рўзгор тебратиш мушкул.

Ана шундай оилаларда болалар ҳам 12-13 ёшидан меҳнат қилиб, пул топишга жалб қилинади. Бундай болалар ўз меҳнатларининг натижасини кўриб, меҳнатсевар ва мустақил бўлиб шаклланадилар.

Маълумки, ҳар қандай оиланинг асоси сифатида қадриятлар тизими фарзандларга сингдирилади. Агар оилада таълим қадрият сифатида қаралса, у ҳолда фарзанднинг таълим олишга эътибори юксак бўлади ва аксинча.

Иқтисодий жиҳатдан етук ва зиёлий қатлам таркибига кирувчи оилаларда болаларга эътибор ва уларга ҳар жиҳатдан ҳомийлик қилиш

¹⁶ Этнографик маълумотлар. Тошкент шахри. 2007 йил.

жуда кучайган. Айниқса, кейинги йилларда болаларни илмли қилиш, уларга ҳаётда ўз ўрнини топиш учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қўшимча равишда пулли курсларда ўқитиш ҳамда хусусий ўқитувчиларни ёллаш оммавий тус олмакда. Айрим оилаларда бундай ҳаракатлар боланинг боғча ёшиданоқ бошланади. Болалар соғлом ўсиши учун улар бирон-бир спорт тўғаракларига ҳам қатнайдилар.

Болалар 15-16 ёшга етганда қўшимча «репетитор» дарсларига қатнаш янада кучаяди. Бу ҳолат шаҳар жойларда жуда ривожланган. Тошкент шаҳрида худди шу ёшдаги ўсмирлардан сўровнома ўтказилганда ўқувчиларнинг қарийб 90 фоизи бирон-бир ёки бир неча фан бўйича «репетитор»га қатнаши маълум бўлди¹⁷.

Шаҳар ва қишлоқларда яшовчи болалар тарбиясида ҳам фарқланиш мавжуд, қишлоқларда яшовчи болалар жамоа бўлиб ўйнаш, уй-хўжалик ишларида қатнашиб, меҳнат тарбиясини олиш имкониятига эгадирлар. Шаҳар жойларда, айниқса, кўп қаватли уйлар шароитида яшовчи болаларда эса бу имкониятлар жуда чегараланган. Уларнинг аксарияти асосий вақтларини телевизор ёки компьютер қаршисида ўтириб ўтказадилар.

Илгари ўзбек халқи асосий тарбиячи сифатида аввало, отани кўрган бўлса, ҳозир бу қарашлар анча ўзгарган. «Ижтимоий фикр» маркази томонидан «фарзанд тарбияси билан ким кўпроқ шуғулланиши керак», деб сўралганда сўровда қатнашганларнинг 58,4 фоизи ота-она биргаликда деб, фақат 12,2 фоизигина «ота» деб, жавоб беришган¹⁸.

Биз томондан олиб борилган тадқиқотларда эса сўровда қатнашганларнинг 72 фоизи «ота-она» жавобини белгилаган¹⁹.

Ёш авлод оилаларида фарзанд туғилишининг қамаишига кейинги йилларда давлат томонидан олиб борилаётган оилани режалаштириш дастури тадбирлари, аёллар орасида тушунтириш ишларининг олиб борилиши ҳам сабаб бўлмокда.

Ўзбек оилаларида бола сонининг қамаишини, асло, ота-оналарнинг фарзандга нисбатан меҳри сўнган, деб қарамаслик керак, аксинча, фарзанд тарбиясига нисбатан бўлган масъулият янада ошган. Чунки ўзбеклар болани авлоднинг давомчиси ҳисоблаб, оиланинг мазмунини эрхотин ўртасидаги муносабатлардагина эмас, балки, кўпроқ болалар билан ўзларининг муносабатларида кўрганлар. Шунинг учун ҳам Фарғона водийсида хотинига нисбатан «болалар» ибораси ишлатилади. Эр ва

¹⁷ Этнографик маълумотлар. 2007 йил.

¹⁸ Убайдуллаева Р. А. Ўша асар. 376-бет.

¹⁹ Этносоциологик маълумотлар. 2007 йил.

хотин бир-бирига «отаси», «онаси» деб мурожаат қилади. Бинобарин, икки ва уч фарзандли оилаларда ҳам ота-онанинг меҳри ва ғамхўрлиги кучлироқ намоён бўлмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, оилада бола тарбияси унинг сонига ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки бола сонига боғлиқ тарзда тарбия шакли, мазмуни ва характери ҳам ўзгаради. Кўп болали оилаларда тарбияланган ўзбекларнинг аксариятида камтарлик, лоқайдлик, мустақил фикр билдиришдан чўчиш, кўпроқ бошқаларнинг фикрига бўйсуниб каби хислатлар қарор топган. Айни пайтда бундай оилаларда ўзаро ёрдам, аҳиллик, кенгфёллилик, босиқлик каби хусусиятлар ҳам очик кўринади.

«Бола қанча кам бўлса унга индивидуал ёндашув кучаяди»-деб ҳисоблайди педагоглар²⁰.

Кам фарзандли ўзбек оилаларида энди ота-оналар болалар парвариши ва тарбиясидан ортган вақтларини ижтимоий фаолият, хизмат иши ва шахсий эҳтиёжлар учун ажратишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозирги пайтда бир қиз ва бир ўғил фарзанддан иборат оила – идеал оила ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида ўзбек оиласида фарзандга бўлган муносабатнинг рухий-эмоционал жиҳатдан ҳам ўзгариб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Анъанавий ўзбек оиласида, ота-оналар болаларини қанча севмасинлар иложи борица бунин фарзандларига кўрсатмасликка ҳаракат қилганлар. Бу ўринда, айниқса, ота ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар анчайин жиддий ва сипо кўриниш акс этган. Фарзандлар ўз истакларини отага кўпинча она орқали билдирганлар. Ота ўз навбатида баъзи масалаларда болалари билан она (хотини) орқали гаплашган.

Маълумки, анъанавий ўзбек оиласида ўғил фарзандга муносабат, қиз фарзандга нисбатан муносабатдан фарқ қилган. Ўғил болани оилани давомчиси, хўжалик юритувчи, меросхўр сифатида қиз боладан устун қўйишган. Агар оилада ўғил фарзанд туғилавермаса, эр хотини билан ажрашган ёки хотин устига бошқа хотин олган ҳолатлар кўп учраган. Ҳозир ҳам бундай қарашларнинг таъсири сезилиб турса-да, лекин, ҳар икки фарзандни тенг кўрувчи кишилар сони ортиб бормоқда. Шунингдек, қиз бола ва ўғил бола тарбияси орасидаги фарқланиш ҳам борган сари қисқариб бормоқда.

Кейинги йилларда болаларда ижобий саналган фазилатларга нисбатан ҳам қарашлар ўзгарган. Анъанавий ўзбек оиласида болаларнинг бўйсунувчанлиги, ювош ва камсукумлиги кўпроқ кадрланар эди. Энди

²⁰ Этнографик маълумотлар. Денов тумани, Тол қишлоғи. 2007 йил.

эса ота-оналар болаларининг эпчил, тиришқоқ ва уддабурон бўлишини хохлашади. Чунки бундай хислатларга эга фарзандлар «ўзларини эплаб кетишади» ва «ота-оналарига камрок ташвиш келтиришади».²¹

Хулоса шуки, ўтган қарийб бир асрлик давр мобайнида ўзбек оила-сида фарзандга нисбатан бўлган муносабат масаласини ўрганиш нати-жаси ўзбек оилаларида бола сонига ва тарбиясига бўлган муносабатлар, ота-она ва фарзандлар орасидаги рухий-эмоционал муносабатларнинг анчайин ўзгариб, оилада фарзандлар сонига бўлган муносабатларда, бо-лаларнинг ўртача сони камайишида, ота ва онанинг оиладаги анъанавий ўрни ва вазифалари бирмунча трансформацияга учраганлигида, бола тарбиясида оила аъзоларининг иштироки ва масъулият даражаси кучай-ганлигида ўз аксини топмоқда.

Мазкур ўзгаришларнинг сабаблари эса жуда кўп бўлиб, асосий омиллар жамиятда юз бераётган ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий-маънавий ислохотлардир.

Б. Убайдуллаева

Вопросы воспитания детей в узбекской семье

В статье рассматриваются вопросы воспитания детей в узбекской семье и репродуктивные установки народа. Анализируются социально-экономические факторы и степень влияния их на традиции воспитательного процесса детей.

В. Ubaydullayeva

The education of children in the Uzbek family

The questions on change of the care of children and their education in the Uzbek family are considered in article. Besides, the article is about of the reproductive purpose of the people. The socio-economic factors and degree of influence of them on tradition of education of children are analyzed.

²¹ Этнографик маълумотлар. Тошкент шаҳар, Мевазор маҳалласи. 2007 йил.

Тарих ва тарихчилар

У. Абдурасулов

ПРОФЕССОР РОЗИЯ ГАЛИЕВНА МУКМИНОВА: ШТРИХИ К ТВОРЧЕСКОМУ ПОРТРЕТУ

В становлении и развитии исторической и востоковедческой наук в Узбекистане выдающаяся роль принадлежит учёному-медиевисту Розиие Галиевне Мукминовой, широко известной и как специалист-историк широкого плана, и как организатор науки, и как воспитатель научной молодёжи, и как общественный деятель, активно участвовавший в научной и общественной жизни страны. Своими исследованиями, особенно фундаментальными монографическими трудами по основным проблемам социально-экономических отношений в средневековый период, проф. Р. Г. Мукминова внесла весомый вклад в историческую науку. Среди исследователей истории социально-экономических отношений в Узбекистане познесредневекового периода Р. Г. Мукминова в течение последних десятилетий занимала ведущее место. Более 250 научных ее работ¹ охватывают и освещают широкий спектр вопросов политической, социально-экономической и культурной истории Узбекистана XIV – XIX вв., таких как земледелие, аграрные отношения, ремесленное производство, военное дело, духовная жизнь, социальный состав населения, роль и место женщины в средневековом обществе Средней Азии и мн. др. При исследовании всех этих проблем Р. Г. Мукминова ввела в научный оборот обширный корпус ранее не привлеченного фактического материала, анализ которого позволил ей сделать обоснованные выводы.

В центре научных интересов Р. Г. Мукминовой также неизменно находились проблемы источниковедения и историографии. Исследовательский подход, применяемый ею, отличается стремлением к полноте использования источников и широким обобщениям на основе критической их разработки и разностороннего изучения фактического материала.

Р. Г. Мукминова родилась 31 декабря 1922 г. в г. Казани. Этап сложных и противоречивых социально-экономических реформ, проводимых в советском государстве, непосредственно затронул и оказал

¹ См. список трудов Р. Г. Мукминовой, опубликованный в Сборнике докладов научной конференции, посвященной 80-летию Р. Г. Мукминовой, «Узбекистан в средние века: история и культура». Ташкент, 2003. С.15-33.

влияние на дальнейшую судьбу семьи Мукминовых. Ярлык «лишенца», приклеенный Мухаммад Гали Миргали углы – отцу Розии, и последовавшее за этим чувствительное ущемление прав остальных членов семьи побудили их в 1930 г. переселиться в Коканд, а позднее, в 1936 г., – в Ташкент.

Закончив с отличием в 1939 г. среднюю школу², Р. Г. Мукминова поступила на исторический факультет Среднеазиатского государственного университета (ныне – Национальный университет Узбекистана). Начавшаяся вскоре Вторая мировая война внесла свои коррективы в учёбу Р. Г. Мукминовой³. В то время из Москвы и Ленинграда (ныне – Санкт-Петербург) в связи с эвакуацией в Ташкент прибыли ряд ведущих специалистов – историков и востоковедов. Большинство из них стали заниматься научно-исследовательской и преподавательской деятельностью на базе исторических факультетов САГУ и Ташкентского государственного педагогического института. Именно поэтому в студенческие годы Р. Г. Мукминовой удалось прослушать лекции таких выдающихся специалистов по истории, как С. Б. Бахрушин, В. И. Беляев, Б. Д. Греков, М. В. Нечкина, Е. М. Пещерева, А. Ю. Якубовский и И. П. Петрушевский. Лекции последнего произвели наиболее сильное впечатление на молодую студентку: она была поражена и в определенной степени восхищена глубокими знаниями по истории Узбекистана и высоким преподавательским талантом И. П. Петрушевского. «Качество лекций Ильи Павловича (Петрушевского. – У. А.) было на чрезвычайно высоком уровне, – вспоминала Р. Г. Мукминова, – студенты увлеченно слушали его, каждый его вывод подкреплялся конкретными фактами из средневековых письменных источников»⁴. Именно лекции крупнейших специалистов определили дальнейший научный интерес Р. Г. Мукминовой и желание глубокого изучения ещё неисследованных страниц истории Средней Азии. «Будучи студенткой, я с особым интересом слушала лекции И. П. Петрушевского по периоду Амира Темура и Темуридов. Ещё

² Р. Г. Мукминова закончила среднюю школу № 80, которая в то время находилась на углу нынешних улиц Узбекстанской и им. Ш. Рашидова, напротив выставочного зала Академии художеств, со стороны площади Мустакиллик. В указанное время школа считалась одной из лучших в Ташкенте. Ещё в школьные годы Р. Г. Мукминова проявляла склонность к общественным наукам, таким как история, литература и др., увлекалась рисованием, сочиняла стихи и мечтала, первоначально, стать архитектором (Из материалов, собранных Ш. С. Камолиддином).

³ В годы Второй мировой войны Р. Г. Мукминова и ее сокурсники по собственной инициативе посещали военный госпиталь, где оказывали помощь раненым солдатам.

⁴ Из материалов личных бесед автора с Р. Г. Мукминовой (июнь, 2004 г.).

тогда у меня возник вопрос – почему некогда могущественное государство распалось и что за этим последовало? Позднее этот интерес и определил выбранную тему кандидатской диссертации»⁵. Таким образом, встречи и беседы с выдающимися специалистами по истории Средней Азии стали решающими в определении дальнейшего выбора молодого специалиста⁶.

В 1944 г., закончив с отличием учёбу на историческом факультете, Р. Г. Мукминова получила рекомендации высококвалифицированных специалистов. В подтверждении этого мы имеем характеристику от 24 июля 1944 г., выданную Розие Галиевне деканатом исторического факультета САГУ в качестве рекомендации для поступления в аспирантуру. В документе, в частности, указывается, что «...Мукминова ... показала несомненные способности к научно-исследовательской работе, ... имеет все данные для успешного выполнения этой работы»⁷.

Благодаря этим рекомендациям в 1944 г. Розия Галиевна была зачислена в открывшуюся именно в том году на базе Института истории АН Узбекистана аспирантуру. Здесь и произошло очное знакомство Розии Галиевны с Я. Г. Гулямовым. Последнему в дальнейшем также будет суждено сыграть значительную роль в формировании и становлении Р. Г. Мукминовой как ученого специалиста. Именно при непосредственном содействии Я. Г. Гулямова в 1948 г., в достаточно сложных финансовых условиях послевоенного периода, была организована научная командировка Р. Г. Мукминовой в Ленинград, являвшегося в то время одним из центров востоковедения. Здесь молодой исследователь получила возможность работы в Рукописном отделе Института востоковедения, советоваться с ведущими специалистами института (И. Ю. Крачковским, А. Н. Болдыревым, С. Е. Маловым, Е. М. Пещеровой, В. И. Беляевым, Н. Д. Миклухо-Маклаем и др.), а также вести непосредственные консультации со своим научным руководителем, крупным специалистом по средневековой истории Востока И. П. Петрушевским. Успешной подготовке диссертации и проведению первых научных изысканий, по мнению Розии Галиевны, большое содействие оказали человеческие качества ее научного руководителя. Забота, оказываемая И. П. Петру-

⁵ Из материалов личных бесед автора с Р. Г. Мукминовой (июнь, 2004 г.).

⁶ В решении дальнейшего обучения в аспирантуре важную роль сыграл отец Р. Г. Мукминовой, который, несмотря на трудное военное время, настаивал на необходимости продолжения учебы в аспирантуре.

⁷ Характеристика Р. Г. Мукминовой, студентки V курса, за подписью декана исторического факультета САГУ, доктора исторических наук, проф. М. Левченко и заверенная печатью деканата факультета (Из личного архива Р. Г. Мукминовой).

шевским и его супругой Г. Н. Цителовой-Петрушевской, их доброта и отзывчивость по отношению к молодой исследовательнице оставили неизгладимое впечатление у Р. Г. Мукминовой. Эти отношения Учителя и Ученика оставались такими же теплыми вплоть до последних дней И. П. Петрушевского (19 марта 1977 г.). Ярким свидетельством тому является одно из писем, присланное И. П. Петрушевским Р. Г. Мукминовой в августе 1951 г. (т. е. спустя 2 с лишним года после защиты ею кандидатской диссертации). В этом письме наставник подробно и обстоятельно обсуждает со своей ученицей направления её дальнейших изысканий. Так, относительно предложенной Р. Г. Мукминовой темы по изучению социально-экономического строя среднеазиатских ханств XVI – XVII вв. И. Петрушевский отмечал, что проведение данного исследования на этом этапе весьма сложно, и может породить множество спорных моментов, неразрешимых в силу недостаточной источниковой базы по данной проблематике. В связи с чем он предложил временно отложить эту тему, а пока подумать над рядом альтернативных разработок. В конце письма автор искренне интересуется здоровьем членов семьи Р. Г. Мукминовой, просит выслать фотографию её сына и желает дальнейших успехов⁸.

Постоянные консультации Р. Г. Мукминовой с И. П. Петрушевским и Я. Г. Гулямовым, который приезжал по делам в Ленинград⁹, укрепили уверенность в правильности выбранного исследовательского направления.

В результате плодотворной работы, проведенной в Ленинграде, Р. Г. Мукминова в 1949 г. в Институте востоковедения АН СССР успешно защищает кандидатскую диссертацию по теме «Борьба за Мавераннахр между Темуридами и Шейбанидами (К истории образования узбекского государства Шейбанидов)». Данная работа была положительно оценена представителями научной общественности. Высокая оценка исследованию была дана официальными оппонентами – А. Ю. Якубовским и Н. Д. Миклухо-Маклаем. Так, по мнению А. Ю. Якубовского, тема диссертационного исследования Р. Г. Мукминовой до этого времени не была разработана с такой тщательностью даже *«такими крупными спе-*

⁸ Письмо-автограф И. П. Петрушевского, высланное из Кисловодска 26 августа 1951 г. (Из личного архива Р. Г. Мукминовой).

⁹ Я. Г. Гулямов, приехавший тогда в Ленинград для проверки результатов работ аспирантов из Узбекистана, стал первым после И. П. Петрушевского человеком, ознакомившимся с содержанием диссертации. Внимательно ознакомившись с работой, он одобрил её и дал высокую оценку, что имело очень большое значение для молодой исследовательницы (Из материалов, собранных Ш. С. Камолиддином).

циалистами, как *А. А. Семенов и П. П. Иванов*» (курсив наш. – У. А.)¹⁰. В отзыве на данную работу Н. Д. Миклухо-Маклай особо выделяет то, что автором, наряду с персоязычными нарративными сочинениями, широко используются источники на чагатайском (староузбекском) языке, что «придаёт особую ценность работе...»¹¹

